



«ISHONCH» ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЯПМИ?

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти вакиллари жойларда ўтказилаётган «Ishonch» кунларида газетхонларга шу савол билан юзланмоқдалар.

>>>4-саҳифада ўқинг

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН БАҒРИДА БЎЛ БЕДОР

Ватан бағрида бўл бедор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк,
Ғаму дардига бўл даркор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Валилар гар Ватан дерлар,
сафар андар Ватан дерлар,
Ватан ичра ватанлар бор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Жаҳонда мулку давлат кўп,
мусофир халку миллат кўп,
Келиб кетгучилар бисёр,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Бу кенг оламда сайёҳлар
кезар – тенг ярми гумроҳлар,
Улардан тинглар истиғфор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Шу тупроқ – Ер юзи янглиғ,
Бухорий, Термизий янглиғ,
Сенга номус эрур ҳам ор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Ватан – Бобораҳим Машраб,
ҳамон сўз айтадир қақшаб,
Агар бўйнидадир минг дор –
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Ёниб шому саҳарларда,
олов бўлгил шафақлардай,
Ялов бўл ҳам яловбардор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Уни мангу ва бетакрор
яратмиш Қодир Қаҳҳор,
Гувоҳдир гумбази даввор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Бу алвон лаола майдони –
қўмилган Жиззах исёни,
Шаҳидлар қонидан гулзор –
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Тўлаб Чўлпонлари ўлпон,
ётибдир шоиру чўпон,
Юрак бағри жароҳатзор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Келиб кўр боғу айвонин,
Адибларнинг хиёбонин,
Адаб ҳам ёдига ёдгор –
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Қолиб – кетгучилар бисёр,
нолиб кетгучилар бисёр,
Улардан бўлмагил зинҳор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Учар гар қошу мижгонинг –
кутар тандирдаги нонинг,
Онагдай мушфику хоксор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Бу оламда ягонангдир,
отанг ётган сагонангдир –
Хасу хориди минг асрор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Уни кимлар ҳавас этмас,
унга чексиз нафас этмас,
Буюк изҳору ҳам иқрор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Яралмиш шавкату шондан,
матонат бирла иймондан,
Ватан севганга толе ёр,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Фалак ўпган иморатлар,
дилу жондан иборатлар,
Ватан пайдодир пайдор,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Хатарнок айланур олам,
бу нолам сенга, жон болам,
Сен огоҳ бўлу ҳам хушёр,
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Сенга ҳар ғишти таълимдир,
Ватан – тенгсиз муаллимдир,
Зиёкор бўлу даъваткор –
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

Сен унга обу оташ бўл,
навобахшу давобахш бўл,
Жафокаш бўлу хизматкор –
Ватан ҳеч қайга кетган йўк.

30.09.2024 й.

Ўзбекистон
касаба
уюшмалари
Федерациясида
куну тун
фаолият
кўрсатадиган
қисқа
рақамли

1211

«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га
мамлакатимизнинг
турли ҳудудларида,
олис ва чекка
қишлоқларида
яшаётган
хотин-қизлар
ўз муаммолари
бўйича исталган
вақтда мурожаат
қилишлари
мумкин.



◆ Касаба уюшмаси аралашгач...

ХОДИМЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгаши инспекторлари томонидан ўрганиш ўтказилди. Шу жараёнда муассасада ходимларнинг меҳнат шароитлари билан боғлиқ қонунбузилишга йўл қўйилгани аниқланди.

Маълум бўлишича, бирлашмадаги 44 та иш ўрнининг меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан шаходат (баҳолаш)дан ўтказиш ишлари амалга оширилмаган. Натижада 535 нафар ходимнинг ҳуқуқлари бузилган. Шунингдек, бирлашмада меҳнат қилаётган жами 174 нафар тиббиёт ҳамда техник ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган.

Дархол иш берувчига ушбу камчиликларни бартараф қилиш бўйича ёзма кўрсатма хати йўлланди. Бирок кўрсатма хатидаги талаблар бажарилмади. Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси киритилди.

Суд бирлашмада ноқулай меҳнат шароити ва зарарли омиллар билан ишловчи касб-лавозимлардаги ходимларнинг иш ўринларининг меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш, тиббиёт ва техник ходимларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш бўйича мажбурият юклаш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарди.

Жўрабек ИСЛОМБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари
касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Тошкент вилояти бўйича меҳнат техник инспектори



ТЎЛАНМАГАН ИШ ҲАҚЛАРИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга эканлиги мустақамлаб қўйилган.

Бирок айрим иш берувчилар ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақларини ўз вақтида бермаслиги оқибатида уларнинг ҳуқуқлари бузилмоқда.

Рағбат йўқ жойда эса ходимлар ишдан моддий ва маънавий қониқиш ҳосил қилмайди. Натижада уларнинг фойдали иш коэффициенти тушиб кетади. Энг ачинарлиси, ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи кадрлар кўнимсизлигига олиб келади.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун тиббиёт муассасаларида ҳам иш-режага

асосан Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан ўрганиш олиб бориляпти. Жумладан, Учқудуқ тумани тиббиёт бирлашмасида белгиланган тартибда иш ҳақларининг тўғри тўланиши юзасидан жамоатчилик назорати ўтказилди.

Ўрганиш давомида бир қатор ходимларга иш ҳақи кам тўлаб келинаётганлиги аниқланди. Бу борада тегишли ҳужжатлар тўпланиб, тўланмасдан қолingan иш ҳақларини ундириш бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ туманлараро судига даъво аризаси киритилди.

Натижада суднинг тегишли қарорига

асосан Учқудуқ тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Х.Шукуровга 197 239 329 сўм, даволаш ишлари бўйича ўринбосар З.Қўзиевга 126 757 278 сўм, бош хамширалар М.Авезовага 66 122 632 сўм, Н.Хотамовага 10 213 134 сўм тўланмасдан қолingan иш ҳақлари ундириб берилишига эришилди.

Завриддин ҲАЛИМОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг
Навоий вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Туризм дунёда энг сердаромад соҳалардан бирига айланганига анча бўлди. Ҳатто бугун кўплаб ривожланган давлатларда «Тўсиқсиз туризм» атамаси истеъмолга кирди. Бизда ҳам туризм соҳасига давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. Хусусан, Президентимиз ўзининг ҳар бир чиқишида, ҳар бир йиғилишида соҳадаги муаммо-ю масалаларни алоҳида таъкидлаб келяптилар.

Туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, саёҳат маркалари атрофида меҳмон уйлари ташкил этилмоқда, инфратузилма яхшиланяпти. Қисқаси, уларнинг таъғамирида эзгу мақсад – туризмни сердаромад соҳага айлантириш ётибди. 2023 йилнинг 27 июль куни давлат раҳбари томонидан имзоланган «Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорда ҳам айтилган шундай ният мумкин.

Ушбу ҳужжатда 2024 йил 1 январдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларнинг саёҳат қилишлари учун қулай муҳит яратишга қаратилган «Тўсиқсиз туризм» дастури амалга оширилиши белгиланди. Унга биноан, ҳар йили «Саёҳат барча учун!» лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри-

дан минг нафардан ногиронлиги бор шахсларнинг тарихий шаҳарларимизга бепул саёҳатлари ташкил этилиши, шунингдек, туризм, маданий мерос, концерт-томоша объектилари ҳамда аэропорт, авто ва темирйўл вокзалларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун зарур инфратузилма яратиш механизми жорий қилиниши лозим эди.

Шунингдек, 2024 йил 12 январда Президентнинг «Ўзбекистонда тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва уни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори эълон қилинди.

Ушбу ҳужжатга кўра, маданий мерос объектиларини реставрация қилиш ва тиклаш учун бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўсиқсиз ҳаракатланиши учун маданий мерос объектиларида (уларга шикаст етказмаган ҳолда) пандус, плиттус ва лифтлар ҳамда кўзи ожизлар учун маданий мерос объектиларининг кичрайтирилган ўлчамдаги макетлари ўрнатилиши ва улар тўғрисида брайл алифбосидаги маълумотлар жойлаштирилиши;

темир йўл ва жамоат транспортларида ҳамда барча аэропорт, вокзал, автошўхбақчаларда уларга эгаллик қиладиган ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган ва жисмоний имконияти чекланган шахслар учун шароитлар, махсус кўтарилиш пандуслари ва қулай зина

тутқичлари ўрнатилиши ҳамда кема арава-чалари (ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус аравача) қўйилиши керак эди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугун дунёда 1 миллиардан ортиқ одам ногиронликдан азият чекади. Бу дунё аҳолисининг тахминан 15 фоизи демак. Жаҳон банки тадқиқотига кўра, Ўзбекистонда расман 2022 йилда 845,3 минг киши ёки умумий аҳолининг 2,3 фоизи ногиронлиги бўлган шахслар деб тан олинган. Шундан 142,3 минг нафар – 18 ёшгача бўлган ногиронлиги бор болалар ва 396,7 минг нафари – пенсия ёшига етмаган ногиронлиги бўлган шахслар. Ногиронлиги тасдиқланган эркаклар (475,8 минг) сони аёлларга (369,5 минг) нисбатан кўпроқ.

Хуллас, юқорида зикр этилган ҳужжатлар кучга кирганига анча бўлди. Ҳўш, шу давр мобайнида мутасаддилар белгиланган вазифани қай даражада удалашди? Ногиронлиги бор шахслар учун тенг имконият яратиш йўлида белгиланган вазифаларнинг бугунги ҳолати қандай? Шаҳар ва ҳудудларда қулай инфраструктура бўйича ишлар қандай кетаяпти?

Ушбу саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Туризм кўмитасига мурожаат қилдик. Дарвоқе, туризмни юқори босқичга олиб чиқиш мақсадида бир муддат аввал алоҳида вазирлик ҳам тузилган эди. Лекин унинг фаолияти узокка бормади. Ҳозирда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузурида Туризм кўмитаси фаолият юритмоқда.

Кўмига тақдим этган маълумотга кўра, охириги йилларда олиб борилган очиқлик сиёсати натижасида фуқаролари Ўзбекистонга визасиз кира оладиган давлатлар сони 9 тадан 95 тага кўпайтирилган. Шу давр мобайнида 3 ярим мингга яқин туристик корхона ўз фаолиятини йўлга қўйган. Оилавий меҳмон уйлари сони бугунга келиб 3 минг 554 тага етган.

Шу билан бир қаторда, 12 та туризм қишлоғи барпо этилиб, йил якунида яна 6 та туризм қишлоғи очилиши кўзда тутилган.

Туризм билан шуғулланиш ниятида бўлган тадбиркорлар учун кўплаб янги имтиёзлар тақдим этилди ҳамда хорижий брендларни жалб қилиш харажатларини қоплаш учун субсидиялар 2027 йилгача узайтирилди. Туроператорларни экспорт-олди молиялаштириш мақсадида 50 миллион доллар миқдориди имтиёзли кредитлар ажратилмоқда.

Жорий йилда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шiori остида 16 миллион нафардан ортиқ маҳаллий аҳоли саёҳатлари ташкил этилди. 13 минг нафардан ортиқ имконияти чекланган шахс мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилди.

Балки соҳадаги ислохотлар жадал олиб борилаётгандир. Аммо юқоридидагикта ҳужжатда аниқ белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича ишлар жуда суст. Топшириқлар қозғаларда қолиб кетмоқда.

Масалани пойтахт мисолида таҳлил этадиган бўлсак, бугун ногиронлиги бор шахслар ўқда турсин, ҳатто тўрт мучаси соғ кишилар ҳам ўтишга қийналадиган йўллар, чорраҳалар, «ўлим йўлаклари» бор ва улар ҳали-хануз тартибга солингани йўқ. Бир ҳафтада камида учта ўлим билан тугаётган аварияга гувоҳ бўлаётганимиз сўзимизнинг исботидир.

Жаҳон банкининг 2022 йилда эълон қилган ҳисоботида қараганда, Тошкентнинг 85 фоиз инфратузилмаси нафақат ногиронлиги бор шахслар учун, балки ёши катта, фарзанди инсонлар, хомилдор аёллар учун ҳам мослашмаган экан. Ва ҳамон мослаштирилмапти. Ваҳоланки, 1991 йилда қабул қилинган «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга кўра, ҳар бир ижтимоий инфратузилма объекти қурилаётганда Ўзбекистон ногиронлар жамияти билан келишиши белгиланган. Лекин бунга ҳеч бир қурувчи ёки тадбиркор амал қилаётгани йўқ, бизнингча.

Тўғри, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш, жамиятда ўз ўрнини топиши борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо улар амалиётда ўз тасдиғини топмаса, бундан нима наф? Ҳар ҳолда, жамоат транспортидан фойдаланишда ёки овқатланиш шохобчалари, хизмат кўрсатиш объектилари, маданий-кўнгилочар муассасаларда ногиронлар дуч келаётган ноқулайликларга кўз юмиб бўлмайдими-ку!

Айниқса, ногиронлиги бор шахсларнинг туризм инфратузилмаси ва маданий мерос объектиларида эркин ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар, туризмда барча фуқаролар учун тенг имкониятлар яратишни назарда тутувчи тўсиқсиз туризм инфратузилмасини ривожлантириш, музей, театр, концерт залларида, жойлаштириш воситаларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг бемалол ҳаракатланиши учун имконият тугдирши каби вазифалар қуруқ ҳужжатларда қолиб кетаётгани бор гап.

Сўнгсўз ўрнида: Айтиб кетилган бўлдики, туризмнинг ривожланишида турарли ва келгусида килинажак вазифаларни иш режасига чиқарилаётган қарорлар, фармонлар, ҳужжатлар ижроси бўйича назоратни кучайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишни ўз олдидига мақсад қилиб қўйишмайди?

Гулномжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

ҲАР БИР МУРОЖААТДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Халқимиз инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш сари дадил одимламоқда.

Конституцияимизнинг 40-моддасида белгиланганидек, ҳар ким бевоҳида ўзи ва бошқалар билан биргаликда давлат органлари ҳамда ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ёки халқ вакилларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланди. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Халқ қабулхоналари ташкил этилиши аҳолини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларни аниқлашга, уларнинг аксарияти жойида ҳал этилишига замин яратади».

Жойларда Президентнинг Халқ қабулхонаси, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирокида аҳоли билан бевоҳида мулоқот қилиш ҳамда уйма-уй юриш орқали муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишлари секторлар, «маҳалла еттилик» ҳамкорлигида тўғри йўлга қўйилгани натижасида бир қатор ижобий ишлар ўзига хос илҳом манбаига айланди.

Мурожаатлар билан ишлаш инсон тақдирига бевоҳида боғлиқ бўлиб, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонаси орқали Яққасарой туманига 2023 йил мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг 4871 таси қаноатлантирилган, шундан 2496 таси ижобий ҳал этилди. Халқ қабулхонаси ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқаролар ҳамда фаолият юритаёт-

ган тадбиркорлик субъектиларига 10 миллиард сўм миқдориди кредитлар ажратилди. Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 65 нафар фуқарога 267,7 миллион сўмлик субсидиялар берилди.

52 нафар фуқарони жамоат ишларига жалб қилиш учун Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан 748,8 миллион сўм, касб-хунар, тадбиркорлик ва хунармандчиликка ўқитиш учун 2408 нафар ишсиз фуқароларга 1,6 миллиард сўм, «Темир дафтар»га киритилган оилаларга «Саховат ва кўмак» жамғармасида қолган 1 миллиард 195 миллион сўмлик маблағлар ҳисобидан ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Шота Руставели кўчаси, 122-А-уй, 16-хонадонда яшовчи Э.Мамедова туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилиб, анча йиллардан буён уйда исиклик тизими ишламаслиги, бу ҳақда бир неча марта коммунал хизмат кўрсатиш идораларига мурожаат этган бўлса-да, натижа бўлмаганини маълум қилган. Мурожаат туман Халқ қабулхонаси ва туман ҳокимлиги томонидан ҳамкорликда назоратга олингандан кейин бу муаммо бартараф этилди.

Албатта, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этиш амалиётида айрим салбий ҳолатлар ҳам учраётганидан кўз ююлмаймиз. Масалан, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органи, ташкилот ёки унинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, кўшимча ўрганиш ва текшириш, кўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиши белгиланганига қарамай, улар бир ойда кўриб чиқилмоқда. Бу фуқаро-

ларнинг қайта мурожаат қилиши кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда ходимлар масъулиятини ошириш, уларни бартараф этиш, пировардиди фуқаро (шахс) мурожаатига берилган жавобдан қониқини ҳосил қилиши мақсадида кўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсада мувофиқ:

– ходимлар кўнимсизлигига чек қўйиш;

– фуқаролар мурожаатлари билан ишловчи ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш ва у билан таништириш;

– фуқаролар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан мулоқот қилишда эътиборли, хайрихоҳ, хушмуомалали бўлиш;

– мурожаатчиларнинг сўзларини охиригача тинглаш ва муаммо мазмунини аниқлаш;

– мурожаатчиларга мурожаатни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари ҳамда қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиш тартиби ҳақида маълумот бериш.

Масъул шахсларнинг кўтарилган масалаларга қонунан ёндашуви фуқаро давлат идораларидан рози бўлишига олиб келади. Бинобарин, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини ҳис қилган ҳолда, мурожаатларни имкон қадар жойида ҳал этишга эътибор қаратиш, уларни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиш, Президентимиз таъбири билан айтганда, «халқ дарди билан яшаш» ҳар бир давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг бурчи ва вазифасидир.

Шерзод ДИЛШОДОВ,
Яққасарой тумани
Халқ қабулхонаси мутахассиси



АВТОКРЕДИТНИ ОНЛАЙН ОЛИШ ИМКОНИЯТИ МАВЖУД

Миллий матбуот марказида «Бизнесни ривожлантириш банкidan чакана хизматлар: қулайлик ва замонавийлик» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Маълумки, банклар томонидан аҳолига тақлиф этилаётган хизматларнинг қулайлиги, оммабоплиги, тезкорлиги ва замонавийлиги ўта муҳим бўлиб, «Бизнесни ривожлантириш банки» АТБ ҳам янгидан-янги хизматлар яратиш ва уларнинг кўлами ва сифатини оширишга ҳаракат қилмоқда. Банкнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган стратегиясида чакана бизнес моделини ривожлантириш ва даромадлилик кўрсаткичларини ошириш мақсад қилинган.

Анжуманда қайд этилганидек бугунги кунда аҳолига

49 турдаги чакана маҳсулот ва хизматлар кўрсатилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 1,5 трлн сўм миқдориди кредит маҳсулотлари расмийлаштирилди.

Банкнинг трансформация жараёнида иш самардорлиги оширилиб, битта ходим 4 тагача банк маҳсулоти бўйича хизмат кўрсатиши ва кун давомидаги 100 тагача амалиётни бажаришига эришилмоқда.

Эндиликда мижозларга банкнинг мобил иловаси орқали автокредит олиш имконияти яратилди. Ўрни авто-транспорт сотиб олиш бўйича

Молия муассасаларида

барча амалиётлар мижоз томонидан мустақил равишда онлайн тарзда бажарилади. Ушбу хизмат UzAuto томонидан сотилаётган автомобиллар учун жорий қилинган. Бундай имконият бошқа русумдаги автоуловлар учун ҳам жорий этилиши режалаштирилган. Бу борада уларнинг расмий дилерлари ва ишлаб чиқарувчилари билан музокара-лар олиб борилмоқда.

Мижозларга қулай, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида мобил иловага янгидан-янги маҳсулотлар юклиниб, уларнинг сотувини онлайн каналларда ташкил этиш устида ишланмоқда, – дейди банкнинг Чакана бизнес департаменти директори Умид Алимов. – Бугунги кунда фойдаланувчилар сони 340 минг нафардан ошган мобил илова тўлақонли сотув каналига айланди. Йил бошидан 3,5 млн.га яқин транзакциялар орқали 3,1 трлн. сўмлик айланмалар амалга оширилди.

Матбуот анжуманида банк мутасаддилари, масъул ходимлари иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари вакиллари қизиктирган саволларга атрафлича жавоб беришди.

Умида
ХУДОЙБЕГАНОВА
«ISHONCH»



«ART OF GARDENING» МЧЖ (СТИР: 306314387) устав жамғармаси 270 725 076 сўмдан 100 225 076 сўмга камайитирилаётганини маълум қилади.

Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Асалобод 2-мавзеси, 3-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Эълон

